3. У.Р. «Мехнат кодекси» нинг асосий мазмуни нимадан иборат? Ишга неча ёшдан кабул килинади?
4. Мехнатни мухофаза килиш хакидаги конун качон кабул килинган?
5. Нафака турлари.
6. Жамоа шартномаси.
7. Маъмуриятнинг вазифалари.
8. Уз. Р. мехнат мухафазасини назорат килувчи ташкилотлар.
9. Уч погонали назорат нима?
10. Мехнат мухофазаси конунлари бузилгандаги жавобгарлик турлари.
11. Жарохат ва касбий касалликлар нима?
12. Жарохатларни тадкик килиш турлари?
13. Мехнат хавфсизлиги стандартлари мажмуаси?
14. Мехнат шароитидаги хавфли ва зарарли омиллар?
15. Йурикнома турлари.
16. Кириш йурикномаси нима ва уни ким утказади?
17. Дастлабки йурикнома нима ва уни ким утказади?
18. Даврий йурикномаси нима ва уни ким утказади?
19. Навбатдан ташкари йурикномаси нима ва уни ким утказади?
20. Уч погонали назорат нима ва уни кимлар утказади?
21. Хавфсизлик техникаси буйича укитиш ва булимларни текшириш.

III □□□ □□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ □□ □□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□□□

3.1 Ишлаб чикариш мухитининг микроиклим шароитлари.

3.2. Ўаводаги чангни улчаш усуллари.

3.3 Енгил саноатдаги машиналардан ажралиб чикадиган чангларни камайтириш чора- тадбирлари.

3.4 Енгил саноат корхоналари худудларининг санитария ободончилиги ва санитария-маиший бинолари

Узлаштириш саволлари

3.1 Ишлаб чикариш мухитининг микроиклим шароитлари

Иш жараёнларининг ва атроф-мухитнинг ишчилар организмига таъсирини урганадиган фан мехнат гигиенаси дейилади. Мехнат гигиенасини куллаш натижасида кулай иш шароитларни ярата олади-ган, мехнат унумдорлигини ошира оладиган, касбий касалликлар-ни камайтира оладиган ёки бутунлай йук килаоладиган санита-рия, гигиена ва даволаш профилактик тадбирлари ишлаб чикилади.

Маълумки, иш жараёнида киши организмига ташки мухит салбий таъсир килиши, айни пайтда айрим аъзолар чарчаши хам мумкин. Организмнинг чарчаши икки хил булади:

- тез чарчаш, бу ишга куникма хосил килинмаганда ёки огир жисмоний иш бажаришдан келиб чикади. Бундай чарчаш иш тугагандан сунг тезда утиб кетади.

- секин-аста ривожланиб борувчи чарчаш, мехнат кобилияти-нинг аста-секин пасайишига олиб келади. Бу хил чарчаш узок вакт ва хамиша бир хил (монотон) ишларни бажариш натижасида юзага келиб, киши организмига путур етказади.

Иш жойларидаги микроиклим омилларини - харорат, нис-бий намлик, хавонинг тезлиги хамда атмосфера босими ташкил этади. Бундай мухит киши организмига салбий таъсир килиб, уни совутиб ёки кизитиб юборади. Бундан ташкари организмдан чикадиган иссиклик киши бажараётган ишнинг жадаллигига хам боглик.

Киши организмининг меъёрий харорати 36-37^{0}С булади. Организм узи учун зарур булган хароратни таъминлаб туриш ко-билиятига эга. Организмнинг бу хусусияти “хароратни ростлаш” деб аталади. Масалан, биз совкотсак калтираймиз, бу мускуллар-нинг иш бажариши натижасида энергия чикаришидир. Кизиб кетсак, терлаймиз, бу ортикча иссикликни ташки мухитга бериш ва шу оркали организм хароратини маълум микдорда саклаб ту-ришдир.

Маълум огирликдаги жисмоний мехнат билан банд булган киши узини яхши хис килиши, яъни у кизиб кетмаслиги, ёки совкотмаслиги учун микроиклим шароитлари маълум даражада бир-бири билан узаро боглик булиши керак. Бундай шароитлар-ни комфорт шароитлар дейилади. Бу шароитларни яратиш “Иш зонасининг хавосига умумий санитария-техника талаблари” би-лан белгиланади.

Берилган иш тури учун комфорт (энг макбул) шароит ис-сиклик баланси таъмин этилгандагина булиши мумкин. Иссик-лик баланси куйидаги формула билан ифодаланади:

$Q=Q_у+Q_к+Q_н+Q_б+Q_х$.

Бу ерда: $Q_у$ - кийимнинг иссиклик утказувчанлиги;

$Q_ê$ - бадан атрофидаги конвекция;

$Q_í$ - атроф юзаларига нурланиш;

$Q_á$ - бадандан чикаётган намликнинг бугланиши;

$Q_х$ - нафас олаётган хавони иситиш.

Цех хавосининг харорати юкори булганда кон томирлар кенгайиб, терига кон меъёрларидан куп кела бошлайди ва атроф-мухитга иссиклик узатиш бирмунча купаяди. Бу хол цех хавоси-нинг харорати 30-35^{0}С дан юкори булганда тухтайди. Киши терлайди, бунинг натижасида организм учун зарур булган тузлар хам тер билан чикиб кетади. Шунинг учун иссик цехларда сал шурланган газ сувлар берилади.

Цехдаги хаво харорати пасайганда, кон томирлар торайиб, терига коннинг келиши сусаяди ва тананинг ташки мухитга ис-сиклик бериши камаяди. Шундай килиб, киши узини иш ша-роитида яхши хис килиши учун харорат, нисбий намлик ва хаво харакати тезлигининг маълум уйгунлиги зарур экан.

Тананинг хароратини ростлашда цех хавосининг намлиги катта таъсир курсатади. Юкори нисбий намлик (φ>85%) тернинг бугланишининг камайишига олиб келса, жуда паст нисбий нам-лик (φ<20%) нафас йуллари шиллик пардасининг куриб колиши-га олиб келади. Намликнинг энг макбул киймати 40-60% деб каб-ул килинган, лекин енгил саноат корхоналарида технологик жа-раён талаблари нисбий намликнинг узгаришига олиб келади. Ай-ни пайтда хар кандай шароитда хам биринчи навбатда инсон са-ломатлиги, унинг мехнатини мухофаза килиш муаммоси куйили-ши керак. Иш жойларида хавонинг харакати иш шароитини ях-шилашнинг мухим омилларидан хисобланади.

Иссиклик юкори булган цехларда хавонинг харакати организмдан чикадиган ис-сикликни атроф-мухитга берилишини яхшилайди ва аксинча со-вук цехларда организмга салбий таъсир килади.

Хавонинг одам учун сезиларли минимал тезлиги 0,2 м/с хи-собланади. Йилнинг совук пайтларида хавонинг тезлиги 0,2-0,5 м/с, иссик кунларида эса 0,2-1,0 м/с булиши тавсия этилган. Иссик цехларда бу тезлик 3,5 м/с гача оширилиши мумкин. Цехда хаво тезлигини танлашда унинг технологик жараёнга хала-кит бермаслигини ва зарарли моддаларни учириб цехга таркат-маслигини хам хисобга олиш керак.

Давлат санитария назоратининг тавсиясига кура иш жойла-рида йул куйиш мумкин булган хаво харакатининг тезлиги иш жойининг хароратига куйидагича богланади.

3-жадвал.

Иш жойидаги харорат, ^{0}С	Иш жойида йул куйиш мумкин булган хавонинг харакат тезлиги, м/с
16-20	0,25 гача
22-23	0,25-0,3
24-25	0,4-0,6
26-27	0,7-1,0
28-30	1,1-1,3

Цехларда тоифаси турлича булган ишларда микроиклим ша-роитининг комфорт кийматлари хар хил булади. Масалан, енгил ва огир тоифали иш бажариш пайтида комфорт шароит киймат-лари куйидаги жадвалда келтирилган.

4-жадвал.

Метеорологик шароитлар	Киши тинч турган холда	Киши огир иш бажараётган холда
Хаво харакати тезлиги, м/с	0	2
Хавонинг харорати t, ^{0}С	18	14
Хавонинг нисбий намлиги φ, %	50	40

Инсон томонидан бажариладиган барча ишлар жисмоний мехнатнинг огирлик даражаси турлича булганда унинг организми сарфлайдиган кувватга караб уч тоифага булинади:

I тоифа - енгил жисмоний ишлар; бундай ишларда инсон сарфлайдиган кувват 175 Вт (175 Ж/с) дан ошмайди. Мазкур иш-лар утириб, тик туриб ёки юриб бажарилади ва доимий жисмо-ний зурикишни ёки огир нарсаларни кутариш ва ташишни талаб килмайди;

II а-тоифа - одам тик туриб, юриб амалга оширадиган, бун-да 175-233 Вт (175-233 Ж/с) кувват сарфлайдиган жисмоний иш-лар. Бу тоифага енгил саноат корхоналарининг асосий цехларида бажариладиган ишлар киради;

II б-тоифа - факат юриб ва тик туриб бажариладиган, унча огир булмаган (10 кг гача) нарасаларни кутариш билан боглик булган ва бунда 233-290 Вт (233-290 Ж/с) кувват билан сарфлана-диган уртача огирликдаги жисмоний ишлар. Бу тоифага енгил саноат корхоналарининг асосий цехларидаги ишлар киради;

III тоифа - доимий жисмоний зурикиш билан, шунингдек анча огир (10 кг дан огир) нарсаларни кутариш ва ташиш билан боглик булган, бунда 290 Вт (290 Ж/с) дан зиёд кувват сарфлана-диган огир жисмоний ишлар.

Хавони муътадиллаш системаси тургун ишлаётганида энг макбул параметрлар саклаб турилиши керак. Йилнинг иссик дав-ри учун микроиклимнинг энг макбул параметрлари 5-жадвалда, йилнинг совук ва утиш даври учун эса 6-жадвалда келтирилган.

Хоналар учун белгиланадиган метеорологик шароит ва хавонинг тозалиги курилиш меъёрлари ва коидалари КМК да келтириладиган ташки хавонинг А,Б,В параметрларига мос булиши керак. Хавонинг намлиги юкори булганда харорат хам юкори булади. Бундай шароитда инсон танасининг «хароратни ростлаш» хусусияти пасаяди, чунки хавонинг юкори хароратида иссиклик узатилиши ва иссиклик нурланиши кам булади, хароратнинг юкорилиги туфайли, шунингдек тери сиртидан намликнинг бугланиши хам кийинлашади.

5-жадвал.

Йилнинг иссик даври учун иш минтакасидаги рухсат этиладиган метеорологик шароитлар

Ишлар тоифа-си	Очик иссикликнинг ортиклиги куйидагича булганда хавонинг харакатланиш тезлиги, м/с		Очик иссикликнинг ортиклиги куйидагича булганда хавонинг харорати, ^{0}С		Харорат, ^{0}С	Нисбий намлик, %
	кам	анча куп	кам	анча куп		
I	0,2...0,5	0,2...0,5	Ташки хаводан купи билан 3^{0}С ортик, аммо 30^{0}С дан юкори эмас	Ташки хаводан купи билан 5^{0}С ортик, аммо 30^{0}С дан юкори эмас	28	55
IIа	0,2...0,5				27	60
IIб	0,3...0,7		Ташки хаводан купи билан 3^{0}С ортик, аммо 28^{0}С дан юкори эмас	Ташіи хаводан купи билан 3^{0}С ортик, аммо 30^{0}С дан юкори эмас	26	65
III	0,3...0,7	0,5...1,0			25	70
					24 ва бундан паст	75

6-жадвал.

Йилнинг совук ва утиш даври учун иш минтакасидаги рухсат этилган метеорологик шароитлар

Ишлар тоифаси	Хавонинг харорати, ^{0}С	Хавонинг харакатланиш тезлиги, м/с купи билан	Хавонинг харорати, ^{0}С
I	19...25	0,2	15...26
IIа	17...23	0,3	13...24
IIб	15...21	0,4	13...24
III	13...19	0,5	12...19

Шундай килиб юкори харорат ва юкори намлик биргаликда ишловчиларнинг кайфияти ва соглигига жуда ёмон таъсир курса-тади.

Ишлаб чикариш мухитининг метеорологик шароити (хаво-нинг харорати, нисбий намлиги, харакатланиш тезлиги, баромет-рик босим) тегишлича улчов аппаратлари ёрдамида назорат кили-нади. Аппаратларнинг амалиётда кулланадиган асосий турларини куриб чикамиз.

1-Расм. Ассманнинг астрацион психрометри 2 -Расм. Августпсихрометри

Хаво хароратини улчаш учун Ассманнинг аспирацион псих-рометридан ва Август психрометридан назорат асбоби сифатида фойдаланилади (1-2 - расмлар). Ассман психрометрида иккала термометрнинг резервуарлари металл найчалар ичига жойланган. Бу найчалар оркали вентилятор ёрдамида узгармас тезлик (2 м/с) билан хаво сурилади. Металл найчалар термометрларни нурли иссикликдан химоялайди, шу туфайли мазкур асбоб билан нам-ликни аниклашда хавонинг харакатланиш тезлиги узгариб тури-ши ёки нурли иссик таъсир этиши окибатида келиб чикадиган хатоликларга чек куяди.

Намликни Асманнинг аспирацион психрометри билан аниклаш учун термометрнинг симобли шарчасини батист билан шундай ураш керакки, матонинг осилиб тушган учлари булмасин; асбобга кушиб бериладиган пипетка ёрдамида матони дистиллан-ган сув билан хуллаш, ортикча сувни эса асбобни силкитиш ор-кали йукотиш, асбобни намлик улчанадиган жойга урнатиш, вентиляторни ишга тушириш, 4 минутдан сунг иккала термо-метрнинг курсатишларини хисоблаш зарур. Агар кузатувлар хавонинг паст хароратида олиб бориладиган булса, вентилятор-нинг ишлаш муддатини 15-20 минутгача узайтириш лозим.

Баён этилган асбоблардан ташкари, хароратни кайд килишга мулжалланган узиёзар асбоблар - термографлардан нам-ликни улчаш учун эса гигрографлардан фойдаланилади. Бу ас-боблар хавонинг намлиги ва хароратини барабанга махкамланган махсус когоз тасмага ёзиб боради. Харорат ва намликнинг узга-риши эгри чизиклар билан тасвирланади. Иккала асбоб суткалик ва хафталик мурватли килиб тайёрланади. Узиёзар асбоблар тер-мометр ва психрометрлардан шуниси билан фарк киладики, улар автоматик ишлайди хамда хаво харорати ва намлигини узлуксиз узгаришларини курсатиб туради.

3-Расм. Косачали анемометр.

4-Расм. Парракли АСО-3 анемометри.

□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□. □□ □□□□□□□□□□□□□, □□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□ □□□□ □□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□-□□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□□. □□□□ □□□□□□□□□ □□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□ (3,4-□□□□□□□). □□□□□□□□□ □□□-3 □□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□. □□□□□□□□□ □□□□ □□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□-□□□□□□□□□. □□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□-□□□□□□□. □□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□. □□□□□□□□□□□□-□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□ □□□□□□. □□□□□□□□□ □□□□□□-□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□ - 0,3 □□□ 5 □/□ □□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□□□□□□.

Косачали анемометр яримсфералар шаклидаги туртта косача махкамланган хоч куринишидаги гилдирак 1 дан ва циферблатли хисоблаш механизми жойлашган корпус 2 дан тузилган. Улчаш вактида гилдирак уки хаво окимига нисбатан перпендикуляр ва-зиятда урнатилади. Косачали анемометрлар мустахкамрок булганидан улар хавонинг каттарок - 1,0 дан 50 м/с гача тезлик-ларини улчаш учун ишлатилади.

Анемометрлар аэродинамик кувур ичида тарировка кили-ниб, уларнинг курсаткичлари намунавий асбоб билан таккос-ланади. Тарировка килиб булингандан сунг хар бир асбоб пас-порт ва тарировкалаш графиги билан таъминланади. Хавонинг тезлиги ана шу график буйича аникланади.

Хавонинг харакатланиш тезлигини анемометр билан улчаш-нинг мохияти куйидагилардан иборат. Асбоб хисоблагичини ишга туширишдан аввал милларнинг циферблатлардаги холати ёзиб куйилади. Кейин анемометр хаво окимига жойлаштирилади ва гилдирак доимий тезлик билан айлана бошлангандан сунг ишга тушириш мосламаси 3 ёрдамида хисоблагич ишга туширилади ва айни чогда секундомер учирилади, 2-3 мин утгач, хисоблагич учирилади ва яна милларнинг циферблатдаги вазияти ёзиб олинади.

Улчашларнинг олдинги ва кейинги курсатишлар орасидаги фаркни синовнинг секунддаги давом этиш вактига булиб кандай-дир n катталик аникланади. Ана шу катталик ва тарировкалаш графигидан фойдаланиб хавонинг харакатланиш тезлиги топи-лади. Натижа аникрок чикиши учун хар бир нуктада улчашни 2-3 марта такрорлаш ва уртача кийматни хисоблаб чикиш максадга мувофикдир.

Масалан, улчашнинг бошланишида анемометр миллари 120 булинмани, охирида эса 264 булинмани курсатган, улчаш 120 сек давом этган булсин. У холда булинмаларни секунддаги сони (264-120):120 булганда 1,2 бул/с га тенг булади. Анемометр паспорти-дан ординаталар укида 1,2 га мос келувчи нуктани (А нукта) топиб, ана шу нуктадан горизонтал чизик утказиб уни тавсиф чи-зиги билан кесиштирамиз (Б нукта). Б нуктадан абциссалар укига вертикал чизик туширамиз. (В нукта) ва шу ерда тезлик киймати-ни (1,4 м/с) укиймиз.

Цехлардаги хавонинг тозалиги ишчилар саломатлигини саклашда катта ахамиятга эгадир. Ишлаб чикариш жараёнида цехларда хавога киши организмига зарарли булган газ, чанг бошка моддалар ажралиб чикади. Киши

бундай хаводан нафас олганда юкори нафас йуллари кичийди ва киши узи хохламаган холда юзаки нафас олади, бу эса упка фаолиятига салбий таъсир килади ва турли касалликларни келтириб чикаради.

Цехларда чангларнинг мавжудлиги куз шиллик пардаларини кичиштириб конюктивит касаллигини келтириб чикаради. Бун-дан ташкари чанг заррачалари туберкулёз таёкчаларини ва зарар-ли бактерияларни ташувчи воситадир. У лампалар устига утириб, цехдаги ёругликни камайтиради, бу эса ишчилар фаолиятига ва соглигига таъсир килади.

Киши организмига таъсири буйича зарарли моддалар 4 синфга булинади: 1-синф - фавкулотда хавфли, 2-синф - юкори даражада хавфли, 3-синф - муътадил хавфли, 4-синф - кам даражада хавфли.

Цехдан, шамоллатиш системаси оркали суриб олинган хаво атмосферага чикариб юборишдан олдин зарарли моддалардан тозаланади, рециркуляция учун цехга кайта юбориладиган хавода зарарли моддаларнинг микдори 0,3 ЙКБК дан ошмаслиги керак.

3.2. Ўаводаги чангни улчаш усуллари

Енгил саноати корхоналари цехла-рида толали, кимёвий зарарли газлар ажралиб чикади. Бу зарарли моддалар ишчилар физиологиясига таъсир килиб, организмни захарланишига олиб келиши мумкин.

Енгил саноатида, айникса, унинг бошлангич жараёнларида энг куп таркалган зарарли модда - чангдир. У хамма ишлаб чика-риш цехларида хамда корхона худудида атмосферада узок вакт кунмай, учиб юриши мумкин.

Чанг заррачалари таркибига кура органик ва минерал кисм-лардан иборат. Бунда унинг асосий кисмини органик модда бул-миш тола ва унинг булакчалари ташкил килади. У мураккаб тар-кибли булиб, турли шакл ва катталикларда учрайди.

Чангга гигиеник бахо берилганда унинг таркиби асосий роль уйнайди. Унинг органик кисми целлюлозадан ташкил топ-ган булиб, у организмга захарли таъсир килмайди, лекин уларда могор замбуруглари ва споралари мавжуд булиши мумкин, бу эса организм хароратини оширади, бош огриги хамда титрок тутиш холларига олиб келади.

Чангнинг таркибидаги минерал кисмида кремний икки оксиди SiO_2 булиб, унинг нафас йуллари оркали упкага маълум концентрацияда кириб бориши пневмокониоз касаллиги хавфини тугдиради. Чанг таркибида бу модда канча куп булса, касаллик шунча ортади.

Айрим холларда, чангнинг майда заррачалари киши упкаси-нинг альвеолларига кириб, уларни беркитиши натижасида, упка-нинг иш фаолиятини пасайтиради, яъни киши упканинг тулик хажмида нафас ололмайди, натижада бориб-бориб, хасталикка учраши, яъни пневмокониоз касаллигига дучор булиши мумкин.

Чанг заррачаларининг катталиклари, уларнинг хавода канча-лик куп ушланиб туришини белгилайди, бу эса уларнинг орга-низмга кириш имкониятини кучайтиради. Тадкикотлар натижаси чанг заррачалари канчалик майда булса, улар хавода шунча куп ушланиб туришлигини курсатади.

Енгил саноат корхоналарида пахта чанги учун куйидаги йул куйса буладиган коцентрация (ЙКБК) кабул килинган. Бу эса таркибидаги SiO_2 га богликдир. Агар чанг таркибидаги SiO_2 2% дан кам микдорда булса, ЙКБК - 6 мг/м^3, 2 дан 10% гача булса, ЙКБК - 4 мг/м^3 ва 10% дан ортик булса, ЙКБК - 2 мг/м^3 бу-лиши келтирилган.

Жамоат, турар жой ва ишлаб чикариш биноларида энг куп таркалган, хавони ифлослантирувчи моддалар каторига кумир куш оксиди CO_2 киради. Одатдаги атмосфера хавосида хажм бу-йича 0,03-0,04% микдорида CO_2 булади. Таркибида 4-5% микдо-рида CO_2 булган хаво соглик учун хавфлидир.

Захарли моддалар инсон организмига нафас олиш йуллари, тери ва ошкозон-ичак йули оркали киради. Ишлаб чикариш хо-наларида мазкур газларнинг мавжуд булиши ёкимсиз чиринди хидини келтириб чикаради. Бундай хид ишловчиларнинг согли-гига ёмон таъсир курсатади ва мехнат унумдорлигини камайти-ради. Ишчилар гайри ихтиёрий равишда нафас олишни камайти-радилар, бу эса упканинг ёмон ишлаб, бронхиал астма ёки астма-ли бронхит касаллигини келтириб чикариши мумкин.

Агар зарарли моддалар микдори рухсат этилган чекли меъёрлардан ошиб кетса, шамоллатиш, суриш ускуналарининг ишлашини яхшилаш хамда ускуналарни зичлаш (герметиклаш) учун шошилинч чоралар курилади.

3.3 Енгил саноатдаги машиналардан ажралиб чикадиган чангларни камайтириш чора- тадбирлари

Чангли хавонни тозаловчи уску-наларнинг куплаб турлари мавжуд, лекин уларнинг кай бирини танлаш чангнинг классификация гурухига боглик.

Чанг заррачаларининг улчамларига биноан, барча саноат турларининг чанглари бешта тасниф гурухига булинади:

I - жуда йирик чанг;

II - йирик чанг;

III - урта йирикликдаги чанг;

IV - майда чанг;

V - жуда майда чанг.

Чангларнинг тасниф гурухига караб, чангли хавони тозалов-чи ускуналар хам самарадорлиги буйича куйидаги беш синфга булинади.

7-жадвал.

Чангли хавони тозаловчи ускуналарнинг самарадорлиги буйича таснифи.

Чангли хавони тозаловчи ускунанинг таснифи	Самарали ушланиб коладиган чанг заррачаларининг улчами	Чанг дисперслиги буйича	
		дисперслиги буйича чанг гурухи	Самара-дорлиги
I	0,3-0,5 ва ундан катта	V IV	80 99,9-80
II	2	IV III	92-45 99,9-92
III	4	III II	99,9-80 99,9-99
IV	8	II I	99,9-95 99,9
V	20	I	99

Чангли хавони тозаловчи ускунанинг ишлаш самарадорлиги хаводаги чангнинг канча микдори ушлаб колинганлиги билан белгиланади ва одатда % ларда хисобланади. Масалан, ускунага m_1 кг чанг кирди, унда m_2 кг чанг ушланиб колинди, унинг са-марадорлиги

$$\eta = \frac{m_2}{m_1} \cdot 100\%$$

Одатда бу катталик ускунага кираётган ва ундан чикаётган хаводаги чанг концентрацияси билан аникланади:

$$\eta = \frac{C_к - C_ч}{C_к} \cdot 100\%$$

Бу ерда, $C_к$ – кираётган хаводаги чанг концентрацияси, мг/м^3;

$C_ч$ - чикаётган хаводаги чанг концентрацияси, мг/м^3.

Айрим холларда чангли хавони тозаловчи ускуналарнинг са-марадорлиги етишмаслиги натижасида икки боскичли ускуналар хам кулланилади. Бундай холларда умумий самарадорлик куйи-дагича хисобланади:

$$\eta_{умм} = \eta_1 + \eta_2 - \frac{\eta_1 \cdot \eta_2}{100}$$

Бу ерда η, η - хар бир чангли хавони тозалаш ускунаси-нинг ишлаш самарадорлиги.

Чанг ертулалари урнига бир погонали ва икки погонали махсус рециркуляцион фильтрлар ФТ-1 ва ФТ-2 лар кулланил-мокда.

Чангли хаво машиналардан сурилиб, диффузор оркали вен-тилятор билан турли барабан камерасига юборилади ва унинг майда турли юзасидан утиб ички кисмига тозаланиб утади. Бара-бан майда ячейкали тур билан копланади (1 см^2 да 100-120 ячей-калар бор). Турли барабаннинг юзасида калта толалар ва чанг заррачаларидан иборат катлам хосил булиб, хавони тозалашда асосий роль уйнайди. Барабан жуда секин (60-300 минутда 1 марта) айланиб, юзасида хосил булган катлам зичлаштирувчи ва-лик оркали ажралиб, бункерга тушади. Цехга чанг чикмаслиги учун турли барабаннинг уст копкок билан ёпилган. Биринчи по-гона хисобланган турли барабандан утган хаво унинг икки чети-дан хаво кувури оркали тозалашнинг иккинчи погонаси хисоб-ланган, енгсимон фильтрларга йуналтирилади. Одатда фильтр-ловчи мато сифатида 378-арт. диагональ мато ва 461-арт. буял-маган вегонь мовути ишлатилади. Енгсимон фильтрларнинг ички юзасига утирган калта тола ва чанг катламининг ортиши билан фильтрнинг каршилиги орта боради ва хаво окимининг харакат мароми сезиларли равишда узгаради.

Енгсимон фильтрлар хар 3-4 соатда пневматик равишда то-залаб турилади ва енглардан чангли тушириш учун махсус титра-тувчи механизм ишга туширилади. Шу пайтда клапанлар очилиб, йигилган чанг бункерга тушади. Бу фильтрларнинг чангли хавони тозалаш самарадорлиги куйидаги ракамлардан яккол куриниб турибди: фильтрдан олдинги чангланганлик 90 мг/м^3 булса, чанг-ли хавони тозалашнинг биринчи погонасидан (турли барабан) ке-йин - 13 мг/м^3 ни ва иккинчи погонасидан (енгли фильтрлар) кейин эса - 1,0 мг/м^3 ни ташкил килади. Битта шундай фильтр соатига 8-9 м^3 чангли хавони тозалайди. Бир метр матога тугри келадиган хаво хажми 150-200 м^3/соат булса, бундай фильтрлар яхши ишлайди.

Циклонлар марказдан кочма чанг ажраткичларга киради. Чангли хаво цилиндрга тангенциал тарзда бириктирилган патру-бок оркали киради. Натижада хаво окими ташилаётган ашё билан бирга айланма харакат килади. Ашё зарралари марказдан кочирма куч таъсирида ташки цилиндрнинг ички сиртига иткитилади ва кейин пастга тушиб конусга келади. Тозаланган хаво ташкарига чикади, ушлаб колинган чанг ва бошка нарсалар (толалар, чик-индилар) эса штуцер оркали циклон тагидаги бункерга келади.

Циклонлар суриш системаларидан чикариб юбориладиган хавони тозалашнинг биринчи боскичи сифатида кулланилиши мумкин. Иккинчи боскич сифатида матоли фильтрладан фойда-ланиш тавсия этилади.

Енгил саноатида ажралиб чикадиган чангларнинг концентрациясини аниклаш

Цехлардаги вентиляция системаларининг самарадорлигини аниклашда ва умуман чикаётган чангларнинг хаводаги концент-рациясини аниклаш максадида лаборатория ходимлари томони-дан вакти-вактида цехларда ва корхона худудида намуналар олиб турилади. Тахлил натижалари чангланганлик даражаси йул куйиш мумкин булган концентрациядан юкорилигини аникласа дархол уни камайтиришга каратилган чора-тадбирлар кулланади. Хаво-нинг санитария холатини назорат килиш учун куйидаги усуллар кулланилади: лаборатория усули, индикация усули, экспресс ус-ул, оптик усул, электрик ва стандарт (огирлик) усуллари. Бу усул-ларнинг хар бири уз афзалликлари ва камчиликларига эга. Енгил саноат цехларда чанг концентрациясини аниклашда энг кенг кул-ланиладиган усул огирлик усулидир. Огирлик усули текширила-диган маълум хажмли хавони фильтрдан суриб утказилганда уни-нг огирлиги ортиши принципига асосланган.

Огирлик усулида пластмассадан ясалган патронларга АФА-, В-18, АФА-В-10 маркали фильтрлар урнатилади. Бу фильтрлар ташки диаметрлари 70 ва 56 мм, ички диаметрлари 48 ва 36 мм (иш юзалари тегишлича 18,1 см^2 ва 10,1см^2) ФПП-15 маркали матодан тайёрланади.

Бу усулда чанг концентрациясини улчаш ускунаси (5-расм) куйидагилардан ташкил топади:

Патронга 5 урнатилган фильтр намуна олиниши керак бул-ган жойга штатив ёрдамида урнатилади. Одатда машиналарнинг иш зонасидан ердан 1,5 м баландликка, яъни нафас олиш зонасига урнатилади. Патрон резина ичак 4 билан реометрга (ёки ротаметр 2) уланади, у уз навбатида хавони суриб турувчи чанг ютгич 1 га уланади. Бутун улчаш давомида фильтрдан утувчи хаво хажмининг бир хилдалигини таъминлаб туриш учун кискич 3 дан фойдаланилади.

Фильтрлар намуна олишдан аввал меъёрий харорат ва намлик шароитида 40-60 мин сакланади. Сунгра пинцет билан турт буклаб аналитик тарози палласига куйилади.

5-Расм. Хаводаги чанг концентрациясини улчаш асбоби.

1- чангютгич, 2 – ротаметр, 3 - кискич, 4 – резина ичак, 5 - патрон

Хар бир фильтрнинг тартиб номери ва массаси алохида журналга ва химоя халкаларига ёзиб куйилади. Енгил саноати цехларида намуна олиш учун 3-5 мин вакт етарли.

Намуна олиб булингандан сунг патрондан фильтр олиниб, 40-60 мин давомида аввалиги шароитда ушлаб турилади ва сунгра яна тортилади. Агар намуна олиш юкори нисбий намлик шарои-тида булса (90-100%), бунда фильтрлар термостатда 55-60^{0}С да 20-30 мин. давомида ушлаб куритилади ва ундан сунг 40-60 мин. да аввалги меъёрий шароитда ушлаб, кейин тортилади.

Хаводаги чанг концентрациясини (мг/м^3) куйидаги формула ёрдамида аникланади:

$$\eta = \frac{(g_2 - g_1)1000}{V_t}, \text{ мг/м}^3$$

Бу ерда: g_1 - тоза фильтр массаси, мг;

g_2 - чанг утирган фильтр массаси, мг;

V - фильтрдан утган хавонинг хажми, м^3;

t - намуна олиш вакти, мин.

Айрим холларда, хавода захарли моддаларнинг концентра-циясини тез аниклаш зарур булганда универсал газоанилазатор-лардан (УГ) фойдаланилади. Уларнинг ишлаш принципини ин-дикаторлар билан шимдирилган махсус кукунлар солинган найча-дан хаво утказилганда ундаги захарли модданинг концентрация-сига караб ранги узгаришига асослангандир. Найчадаги кукун-нинг рангли кисмининг узунлиги канча катта булса, мазкур зах-арли моддаларнинг концентрацияси шунча катта булади. Буни махсус тарировка килинган чизгич оркали аникланади.

Индикатор усули хавфлилик даражаси юкори булган моддаларни (симоб, цианий бирикмалари ва бошкалар) аниклаш-да ишлатилади.

Шахсий химоя воситалари ва уларга куйиладиган талаблар

Узбекистон Республикасининг мехнат хакидаги конунчилик асосларига биноан корхона маъмурияти ишчи ва хизматчиларни бепул шахсий химоя воситалари билан таъминлаши, уларни сак-лаш, ювиш, куритиш, дезинфекциялаш ва таъмирлаш ишларини бажариши керак. Бошка тармоклар сингари енгил саноат корхо-налари ишчиларини хам махсус коржома, пойабзал ва химоя воситалари билан таъминлаш кузда тутилган.

Барча химоя воситалари ишлатилишига караб жамоа химоя воситалари ва шахсий химоя воситаларига булинади. Агар ишнинг хавфсизлигини машиналарнинг конструкцияси, ишлаб чикариш жараёнини ташкил килиш, архитектура-режалаштириш ечимлари ва коллектив химоя воситаларини куллаш билан таъ-минлаш иложи булмаган такдирда шахсий химоя воситалари кулланилади.

Химоя воситалари техник эстетика, эргономика талабларига жавоб бериши, химоя самарадорлиги юкори булиши, ишлати-лишда кулай булиши керак. Улар технологик жараёнда бажари-лаётган иш турига мос булиши керак. Шу иш учун мулжалланган ва кабул килинган тартибда тасдикланган техник хужжатлари булмаган шахсий химоя воситаларини куллаш таъкикланади. Улар вазифаси, ишлаш муддати курсатилган йурикнома хамда саклаш ва ишлатиш коидалари билан таъминланади.

Шахсий химоя воситалари (ШХВ) вазифаларига караб куйи-дагиларга булинади:

- ихоталовчи костюмлар (пневмокостюмлар, намдан ихота-ловчи костюмлар, скафандрлар);

- нафас аъзоларини химоя килиш воситалари (газникоблар, респераторлар, хаво шлемлари, хаво маскалари) (6-расм);

- коржомалар (комбинизонлар, ярим комбинизонлар, куртка-лар, шимлар, костюмлар, халатлар, плашлар, пустинлар, фартук-лар, нимчалар);

- махсус пойабзал (этиклар, кунжи калта этиклар, ботинка-лар, кунжли ботинкалар, туфлилар, калошлар, ботилар);

- кулларни химоя килиш воситалари (кулкоплар);

- бошни химоя килиш воситалари (каскалар, шлемлар, шап-калар, береткалар, шляпалар);

- юзни химоя килиш воситалари (химоя никоблари) (7-расм);

- кузни химоя килиш воситалари (химоя кузойнаклари) (8-расм);

- эшитиш аъзоларини химоя килиш;

- эхтиёт мосламалари (эхтиёт камарлари, диэлектрик гилам-чалар, кул чангаклари, манипуляторлар, тиззани, тирсакни ва ел-кани эхтиёт килиш мосламалари) (9-расм);

6-Расм. Нафас олиш органларини химояловчи

респиратор ва газникоблар.

1 – «Лепесток-200»; 2 – РПГ-67; 3 – РУ-60М; 4 – «Снежок-ГП»;

5 – «Астра-2М»; 6 – ПРШ-741; 7 – «Кама»; 8 – Ф-62ШМ; 9 – У-2К;

10 – РП-Км; 11 – фильтрловчи саноат газникоб;

12 – шлангали ПШ-1 газникоб; 13 – шлангали ПШ-3 газникоб.

- химояловчи дермотологик воситалар (ювиладиган пасталар, кремлар, мойлар).

Шахсий химоя воситалари билан таъминлаш, уларни уз вак-тида алмаштириш, таъмирлаш ва уларни вазифалари буйича иш-латиш юзасидан корхона маъмуриятига куйидаги вазифалар юк-ланади:

1. Ишчи ва хизматчиларга шахсий химоя воситаларини бе-риш буйича назорат ва хисобот ишларини ташкил килиш, улар-дан иш пайтида тугри фойдаланишни, бузилган, ифлосланган холларда эса уларни куллашни таъкиклашни назорат килиш.

2. Шахсий химоя воситаларини белгиланган муддатларда мунтазам равишда синовдан утказиш, уларнинг созлигини тек-шириб туриш хамда уларнинг химоя хоссалари пасайган фильтр-лари, ойналари ва бошка кисмларини уз вактида алмаштириш ва текширилган воситаларга келгуси синов муддати хакида тамга куйиш.

3. Тозалаш, ювиш, таъмирлаш, дегазациялаш, дезактивация-лаш, зарарсизлантириш ва чангсизлантириш ишларини уз вакти-да амалга ошириш, ишчи ва хизматчиларни шахсий химоя воси-талари билан уз вактида таъминлаш корхона маъмуриятига, назо-рат килиш эса касаба уюшмаси кумитасига юклатилади.

Махсус коржома ва пойабзалларга куйиладиган талаблар

Махсус коржома ишловчиларни ташки мухитнинг салбий таъсиридан саклаши мулжалланади. Бунда киши танасининг хаво алмашиш функцияси бузилмаслиги керак.

У шундай бичиладики, унда одам узини кулай хис килиши ва иш шароитида хавфсиз булиши керак; у кишининг эркин ха-ракатига тускинлик килмаслиги ва айланиб турувчи кисмларга уралиб кетиши мумкин булган осилиб ёки чикиб турувчи кисмла-ри булмаслиги керак. Махсус коржома пишик, енгил тозаланади-ган ва баданни кичитмайдиган матолардан тикилади.

7-Расм. Юзни химоя килиш воситалари

тангачасимон, хайдовчилар учун С-5 кузойнаги,

ёпик турдаги С-33, ёзги С-1 кузойнаги, органик шишадан ясалган бетни химоя килиш никоби.

Харакатланиб турувчи механизмлар якинида туриб ишлов-чиларга (операторлар, мойловчилар, таъмирчи-чилангарлар ва ш.у.) пахта ипидан тукилган белбогсиз ички чунтакли комбини-зонлар берилади.

Кулларни жарохатланишдан саклаш максадида ишчилар кулкоплар билан таъминланади. Сочни харакатдаги механизмлар ураб кетмаслиги учун аёллар учбурчак румол урашлари, эркаклар беретка кийишлари керак.

Пойафзал фабрикаларининг кислота билан ишлайдиган иш-чилари дагал жундан ёки пахта ипидан тукилган, кислота таъси-рига карши модда шимдирилган матолардан тукилган шим ва курткалар билан таъминланадилар. Шу максадда дагал жун ва хлорин толаси аралашмасидан тукилган, кислота таъсирига чид-амли мовутдан махсус коржомалар тикилади.

Хозирги пайтда кислота ва ишкорлар таъсирига чидамли синтетик толалар (лавсан, нитрон) ва жун толалари билан ара-лаштирилиб ёки факат синтетик толалардан тукилган матолар кенг кулланилади.

Кислота билан бевосита ишловчиларга резина шимдирилган кукрак фартуклари, кулларига кийиш учун дагал жун кулкоп берилади.

Ишкор билан ишловчиларга пахта ипидан ёки брезентдан тикилган костюм ва кукрак фартуклари берилади. Шуни айтиш керакки, ишкорлар жундан тукилган матоларни енгил парчалай-ди, шунинг учун уларни ишкор билан ишлашга куллаб булмайди.

Ута нам хоналарда ишловчи ишчиларга пахта толасидан тукилган ва намикмайдиган (сувни узига тортмайдиган) костюм ва кукрак фартуклари берилади, кулга кийиш учун резина кул-коплар берилади.

Махсус пойабзал ишчининг оёкларини хар хил зарарли мод-да ва хавфлардан саклашга мулжалланган.

Ишлаб чикаришдаги зарарларнинг характерига мослаб шах-сий химоя воситалар тикилади ва материал танланади.

Нафас олишдаги хаво оркали таъсир килувчи хавфли ва зарарли ишлаб чикариш омилларидан киши нафас олиш аъзола-рини химоя килувчи мосламалар турт хил булади: газникоблар, респираторлар, хаво шлемлари ва хаво никоблари. Булар кишини иш жойидаги хавода аралашган хар хил ифлосликлардан (буг, газ, аэрозоллар, чанглар) ва кислород етишмаслигидан самарали хи-моя килиши керак. Уларни танлашда цехдаги хаво мухитининг таркиби ва холатини, ишлаб чикариш жараёнини ва бошка мех-нат шароитларини хисобга олиш керак. Нафас аъзоларининг шахсий химоя воситалари ишлаш принципи буйича икки турли - фильтрловчи (Ф) ва ихоталовчи (И) булади. Фильтрловчи турлари цех хавосида кислород микдори етарли (18% дан куп) булганда ва зарарли моддалар микдори кам булганда кулланилади. Ихоталов-чи химоя воситалари эса зарарли моддалар цех хавосида чегара-ланмаган ва кислород эса етарли микдорда булмаган холларда ишлатилади. Уз навбатида фильтрловчи химоя воситалари уз ва-зифасига кура, аэрозоллардан химояловчи ва универсал турларига булинади. Ихоталовчи химоя воситалари конструкцияси буйича - ичакли, нафас олиш учун хавони тоза зонадан олиб берувчи ва автоном - нафас олиш учун шахсий манбаи булган турларга булинади.

Фильтрловчи респираторлар хам газникоблар сингари цех хавосидаги аэрозол, буг ва газларда кислород микдори 18% дан кам булмаган холларда ишлатилиб, улар уч турли булади: аэро-золлардан химояловчи, газлардан химояловчи ва универсал. Ен-гил саноати корхоналарида асосан чанглардан химояловчи турла-ри ишлатилади.

Фильтрнинг ишга яроксиз булиб, тулиб колганлигининг белгиси, нафас олишнинг кийинлашганидан билинади. Бу енгил ва урта огирликдаги ишларда нафас олишга каршилик 100 Па дан, огир ишларда эса 70 Па дан бошлаб сезилади. Бундай холат юзага келганда фильтрлар алмаштирилади ёки чангдан тозалана-ди (регенерация килинади). Бунинг учун фильтрга утириб колган чангни силкитиб кокиб ташланади, бунда яхши тозаланмаса, ка-рама-карши томондан сикилган тоза хаво билан пуфлаб тозала-нади, бунда хам яхши самара бермаса, уни янгисига алмаш-тирилади.

8-Расм. Кузни химояловчи воситалар.

1 - очик гардиши капронли, С-2; 2 – ён томонидан очик химояловчи, С-3;

3 - турли ойна билан, С-15; 4 - турли ойнасиз, С-10; 5 – тангачасимон,

С-12; 6 - ёпик турдаги, С-33; 7 - хайдовчилар учун, С-5; 8 – ёзги С-1;

9 - Кузни химояловчи никоб.

9-Расм. Шахсий химояланиш воситалари.

а – изоляцияловчи штанга; б – изоляцияловчи кискич;

в - юкори кучланишни курсатувчи асбоб; 1-лампа; 2-конденсаторлар;

3-сичкич; 4-ушлагич; г – паст кучланишни курсатувчи асбоб; д – диэлектрик кулкоп, боти, гиламча; е – изоляцияловчи таглик.

Нафас олиш аъзоларини якка тартибда химоялаш восита-ларидан иш минтакасидаги хавода зарарли моддалар микдори ЙКБКдан куп булган холларда фойдаланиш керак. Нафас олиш аъзоларини химоялаш учун фильтрловчи ёки ихоталовчи восита-лардан фойдаланилади.

Фильтрловчи воситалар нафас олинадиган хавони зарарли аралашмалардан тозалайди. Улар саноат фильтрловчи газникоб-лари ва фильтрловчи респираторларга булинади.

Саноат фильтрловчи газникобларни нафас олиш органлари-ни, шунингдек кузлар ва юз терисини газлар, буглар хамда чанг-дан химоялайди. Улар фильтрловчи кутичадан, эгилувчан шланг-нинг юзга кийиладиган кисмидан ташкил топган. Саноат газни-кобларининг кутичалари муайян зарарли моддалардан химоялаш учун юткичлар билан тулдирилади ва вазифасига караб хар хил рангларга булинади хамда муайян хизмат муддатига эга булади.

Фильтрловчи респираторлар вазифасига кура чангга карши, газга карши ва универсал хилларга булинади.

Респираторлар ярим юзникоб ва фильтрдан тузилган. Улар бир неча маркаларда ишлаб чикарилади. Огир ишни бажаришда ва чанг микдори куп булганда чангга карши Ф-62 Ш респирато-ридан, огир ва уртача огирликдаги ишларда хамда чанг микдори куп булганда У-2К респираторидан, чанг микдори кам булганда эса “Лепесток” респираторидан фойдаланилади.

Универсал РУ-60М респиратор нафас олиш органларини за-рарли моддалар - газ, буг ва чангдан химоялаш учун ишлатилади.

Ихоталовчи газникоблар нафас олиш аъзоларини атроф-мухитдан бутунлай ажратиб куяди. Бундай воситаларга ичакли газникоблар, кислородли ва хаволи нафас олиш аппаратлари киради.

Ичакли газникобларнинг ичагининг узунлиги 9-10 м булган узиюрар ва ичагининг узунлиги 20 м гача булган, хаво мажбурий хайдаладиган хиллари мавжуддир.

Кислородни утказмайдиган газникоблар нафас олиш аъзо-ларини атроф-мухитдан батамом ажратиб куяди.

Кулокларни шовкин таъсиридан химоялаш учун кулок тик-инлари (вкладишлар), кулоккопкок (наушник) ва шлемлардан фойдаланилади. Кулок тикинлари говакдор ёки куйма резинадан, пластмасса, кайишкок пластинкалар, хар хил толали матолардан тайёрланади. Кулоккопкоклар кулокнинг ташки кисмига кийила-ди. Шовкиндан химояловчи шлемлар факат шовкин ва совукдан эмас, балки лат ейиш ва бошка шикастланишлардан хам саклай-ди. Шовкинга карши темир калпок (каска) дан бошни механик шикастланиш ва юкори частотали ток таъсиридан химояланиш учун фойдаланилади. Кул, юз ва буйин терисини химоялаш учун махсус химоя суртмалари, пасталари ва кремлари ишлатилади.

3.4 Енгил саноат корхоналари худудларининг санитария ободончилиги ва санитария-маиший бинолари

Енгил саноат корхоналари-нинг бош тархи тузилаётганда технологик жараённинг узлуксиз-лиги ва изчиллигига ахамият бе-рилади. Унда хом ашё йуналиши тугри чизик буйлаб ёки жуда булмаганда 90^0 га бурилиши мум-кин. Хом ашёнинг маълум бир участкада оркага кайтарилиши ёки унинг йуналишида халка хосил булишига йул куймаслик даркор. Тугри ташкил килинган бош тарх буйича курилган корхоналарда кулай иш шароитлари, цехларда, корхона худудида ва унинг атро-фидаги турар жойларида меъёрдаги санитария-гигиена шароит-лари мавжуд булиши таъминланади.

Тикувчилик, пойабзал корхоналарини лойихалаш пайтида уларни турар жойларидан санитария-химоя зоналари билан ажратилади.

Енгил саноат корхоналарининг бош тархларини лойиха-лаштиришда курилиш меъёрлари ва коидалари хамда санитария меъёрлари СанПин №0006-93 асос килиб олинади. Уларда корхо-налардан ажралиб чикадиган зарарли моддалар якин атрофдаги турар жойларда яшовчи кишилар соглигига зарар етказмаслиги учун куйидаги санитария-химоя зоналари кабул килинган:

1000м - 1-класс корхоналари учун (нитрон толаси ишлаб чи-карувчи корхоналар ва ш.у.)

500м - 2-класс корхоналари учун (капрон, лавсан, хлорин ва бошка химиявий толалар, сунъий чарм ишлаб чикарувчи кор-хоналар ва ш.у.)

300м - 3-класс корхоналари учун (пластмассалар, тол, рубе-роид пахтани ва бошка усимлик толаларини дастлабки ишлаш корхоналари)

100м 4-класс корхоналари учун (пахта, каноп ва жунни йи-гириш, тукиш фабрикалари, совун ишлаб чикариш, бетон махсу-лотлари, полимер курилиш материаллари ишлаб чикарувчи кор-хоналар)

50м - 5-класс корхоналари учун (тикув ва пойабзалга меха-ник ишлов бериш, гилам тукиш корхоналари ва ш.у.).

Тикиш ва пойафзал фабрикалари пардозлаш ва буяш фаб-рикалари билан бирга курилган булса, 4-класс, яъни санитария-химоя зоналари 100м, бу фабрикалар билан бирга курилган бул-маса, 5-класс, яъни санитария-химоя зоналари 50м олинади.

Корхонадаги хар бир ишчига меъёрий шароит яратилиши учун камида 4,5 $м^2$ ишлаб чикариш майдони ва 15 $м^3$ бино хажми тугри келиши керак.

Корхона бош тархи унинг географик жойлашган урни, ша-молнинг йил давомида асосий йуналишини хисобга олган холда, чанг ажратиб чикарувчи, юкори харорат, буг, хар хил захарли газ-лар, шовкин ва бошка зарарли чикиндиларнинг ахоли яшайдиган объектларга иложи борича зарарсиз килиб лойихаланади.

Корхона худудида объектларни жойлаштиришда шу геогра-фик ахоли пункти учун шамолнинг энг куп эсадиган йуналиши хисобга олиниши керак. Бунда хавонинг йуналиши чанг, шов-кин, буг, газлар ва зарарли моддалар ажралиб чикадиган цех ва фабрикалардан одамлар яшайдиган томонга караб эсишга йул куймаслик керак. Шу билан бирга хавонинг асосий йуналиши ут чикиш хавфи кучли булган объектлардан бошка биноларга кара-ган булмаслиги керак.

Енгил саноат корхоналари худудидаги бинолар орасидаги ёнгинга карши масофа биноларнинг ёнгинга каршилик курсатиш даражаси хамда корхонанинг ёнгин чикиш хавфлилиги билан белгиланади. Бунда бино ва корпусларнинг жойлашиши техно-логик жараённинг талаблари хисобга олинган холда ва бинонинг исталган ерига ут учирувчи машиналар келаолишини хисобга олган холда булиши керак.

Ишлаб чикариш санитариясини, хавфсизлик техникасини таъминлаш, ишловчиларга кулай шароит яратиш хамда техноло-гик жараённи яхши ташкил килиш максадида корхона худуди алохида зоналарга булинади.

Корхона худудини зоналарга булиш хом ашёни ва техноло-гик жараённи ёнгин чикиш хавфига, бино ва иншоотларни сани-тария характерига, транспорт хизматига, ишловчилар сонига ва бошка шунга ухшаш купгина омилларга караб ажратилади.

Корхона биноларини жойлаштиришда яна шунга ахамият бериш керакки, худудида хавфсизликни таъминлаш максадида транспорт куп катнайдиган бинолар алохида бир жойда курили-ши, ёнгин чикиш хавфи булган цехлар шамол йуналишига кар-ши, зарарли газлар ажралиб чикадиган цехлар одамлар зич жой-лашган иш жойларидан узокрок килиб курилиши керак. Бунда хар бир бино ут учириш машиналари бемалол кела олиши учун атрофи халкали йуллар билан таъминланиши керак.

Хавфсизликнинг энг зарур талабларидан яна бири шуки, худудда юк ташиш йуллари одамлар окими билан кесишмаган холда курилиши керак. Ёнгин хавфини камайтириш ва ут учирув-чи машиналарни худуддаги харакатини яхши таъминлаш макса-дида карама-карши томонларида булган дарвозаларга туппа-тугри борадиган йуллар курилади.

Корхона худудидаги тозаликни ва тинчликни таъминлаш шарт булган маъмурий бинолар, ошхона, конструкторлик бюро-си, тиббиёт пункти, бухгалтерия ва шунга ухшаш бинолар ишлаб чикариш зонасидан шамол йуналиши буйича курилиши, чангиши мумкин булган, енгил ут олувчи ёкилги ва мой омборлари ва бошкалар карама-карши томонда жойлашиши максадга мувофикдир.

Корхона худудини кукаламзорлаштириш, гулзорлар килиш ва дарахтлар утказиш шовкинни, чангни ва зарарли моддалар-нинг таркалишига, утни таркалиш зонасини чегаралаш, корхона деворлари, йулаклар ва дам олиш зоналарини салкин тутиш, иш-чи ва хизматчиларга очик хавода меъёрида маиший шароит яра-тиш ниятида килинади.

Санитария-маиший хазмат бинолари

Енгил саноат корхоналарида ишчиларнинг соглигини химоя килиш максадида санитария-маиший хизмат хоналари ташкил килинади ва уларнинг меъёрида ишлаши таъминланади. Булар-нинг таркибига гардероблар, коржомаларни тозалаш ва зарарсиз-лантириш хоналари, хожатхоналар, аёллар учун шахсий гигиена хоналари, бет-кул ювадиган хона, душхона, кул ва оёкларни ювиш ванналари, чекиш хоналари, овкатланиш хоналари, ёш бо-лаларни эмизиш хоналари, кутиш хоналари, тиббиёт хоналари, махсус коржомаларни ювиш хоналари хамда ичиш учун сув би-лан таминланган ускуналари киради.

Ёрдамчи хоналарга умумий овкатланиш хоналари, спорт уйинлари ва гимнастика машгулотлари учун майдончалар, конст-рукторлик бюроси, дарсхоналар, хавфсизлик техникаси хонаси, жамоат ташкилотлари хоналари киради. Бу хоналар мехнат унум-дорлигини ва ишлаб чикариш самарадорлигини оширишда, иш-чиларнинг соглигини мухофаза килишда ва жамоани мехнатсе-варлик рухида тарбиялашда катта ахамият касб этади.

Санитария-маиший хизмат бинолари цехлардан унча узок булмаган ва кулай жойларга жойлаштирилади. Уларга борилади-ган йуллар зарарли чикиндилар чикадиган цехлар оркали утмас-лиги керак. Агарда маиший хоналар бинонинг ертуласида жой-лаштирилса, албатта улар хаво юборувчи ва сурувчи вентиляция системаси билан таъминланган булиши керак, бошка пайтларда давлат санитария назорати органлари билан келишилган холда курилади.

Хозирги пайтда илгор корхоналарда дам олиш хоналарини жихозлашга катта ахамият берилаяпти. Бу хоналар дид билан бе-затилиб, юмшок креслолар, журнал столчалари, телевизор, маг-нитофон, яхна ичимликлар, чой, кофе ва ширинликлар билан савдо килувчи буфет билан таминлангандир. Уларда ором берув-чи музика садолари янграб туради, бу киши чарчогини колди-ришга, соглигини мустахкамлашга ёрдам беради.

Ишловчилар сони 300 ва ундан ортик булса, фельдшер хиз-мат киладиган тиббиёт хоналари, агарда 4000 тагача булса, врач хизмат киладиган здравпунктларга булинади. Улар купинча маи-ший бинонинг биринчи каватида ёки ишлаб чикариш биноси-нинг энг куп одам ишлайдиган хамда жарохатланиш жихатидан энг хавфли булган цехга якин ерга курилади. Уларни корхонага кираверишдаги йулакка якин ерларда хам жойлаштирса булади.

Худудни санитария жихатидан ободонлаштириш масаласи саноат корхонасининг бош тархи асосида хал этилади.

Тикув ва пойабзал цехларининг узига хос хусусияти шундан иборатки, ишлаб чикариш, ёрдамчи булинмалар ва омборхона-ларнинг маълум кисми бир бинода жамланган булади.

Айрим холларда технологияси жихатидан бир-биридан тамо-мила фарк килувчи корхоналар ёрдамчи ишлаб чикаришлари, мухандислик коммуникациялари, ишловчиларга санитария-гиги-ена ва маданий хизмат курсатиш системалари умумий булган сан-оат узелларига бирлаштирилади, бу хол курилиш муддатларини анча кискартиради ва сарфланадиган капитал маблагни анча камайтиради.

Корхонанинг бош тархи ажратилган худуд доирасида лойи-халанади. Бунда СанПиН 0006-93 нинг “Саноат корхоналарининг бош режалари, лойихалаш меъёрлари” булимига амал килинади, шунингдек, технологик жараённинг тури, транспортнинг, энер-гия, ёкилги, сув ва хоказолар билан таъминлаш манбаларининг хиллари хисобга олинади, махаллий шароит, жойнинг географик урни, рельефи, шамолнинг кучи хамда йуналиши ва бошка омил-лар инобатга олинади.

Курилиш зичлиги

Биноларнинг жойлашуви ва худудининг майдони бино ва иншоотларнинг меъёрда курсатилган зичлигини инобатга олган холда тугри танланиши керак. Бу курилиш зичлиги ушбу форму-ладан аникланади:

$$F_{хур} = \frac{\sum F_{бино}}{F_{худ}} \cdot 100\%$$

Бу ерда: $Г_{бино}$ - бино ва иншоотлар эгаллаган жаъми майдон;

$Г_{худ}$ - корхона учун ажратилган майдон.

Саноат корхоналари майдонидаги бино ва иншоотларнинг зичлиги пойабзал ва тикув ишлаб чикаришлари корхоналари учун камида 55 % килиб белгиланган.

Темир йул ва автомобиль йуллари, йулаклар, очик спорт майдончалари, дам олиш майдончалари, кукаламзорлар ва шу кабилар бино хамда иншоотлар билан банд булган жами майдон хисобига кирмайди.

